

ЎСИМЛИКЛАР МИЛЛИЙ ГЕНОФОНДИНИ, ЎСИМЛИКЛАР ИНТРОДУКЦИЯСИ ОРҚАЛИ ҚИМАТЛИ БИРЛАМЧИ МАНБАЛАР БИЛАН БОЙИТИШ

Мансуров Х.Г., Абуллаев Ф.Х.

Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти

Аннотация: Мақолада Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институтида ўсимликлар интродукцияси бўйича олиб борилаётган изланишлар тўғрисида маълумотлар келтирилади. Институтнинг Ўсимликлар интродукцияси бўлимида дон-дукакли ва мойли экинларнинг коллекциясини ўрганиш ва бирламчи баҳолаш, бўйича тадқиқотлар ўтказилмоқда. Хозирги кунда қишлоқ хўжалиги экинларидан нўхат, ловия, маккажўхори ва кунгабоқар намуналари асосий морфобиологик ва хўжалик белги ва хусусиятлари ўрганилмоқда. Келгусида ушбу намуналардан олинган янги репродукция уруғлари тегишли ўсимликлар генетик ресурслари бўлимига комплекс ўрганиш учун узатилди. Интродукция қилинган экин намуналари генофондни бойитиш билан бирга келажак селекцияси учун бирламчи манба бўлиб хизмат қилади.

Аннотация: В статье представлена информация о проведенных исследованиях по интродукции растений в НИИ генетических ресурсов растений. В отделе интродукции растений института проводятся исследования по изучению и первичной оценке коллекции зерновых и масличных культур. В настоящее время изучаются основные морфобиологические и хозяйственные признаки и характеристики образцов гороха, фасоли, кукурузы и подсолнечника из сельскохозяйственных культур. В дальнейшем семена новой репродукции, полученные из этих образцов, были переданы в соответствующие отделы генетических ресурсов растений для всестороннего изучения. Образцы интродуцированных культур послужат основным источником для будущей селекции наряду с обогащением генофонда.

Annotation: The article provides information on the research carried out on the introduction of plants at the Research Institute of Plant Genetic Resources. In the plant introduction department of the institute, research is being carried out to study and evaluate the collection of grains and oilseeds. Currently, the main morphobiological and economic features and characteristics of pea, bean, corn and sunflower samples from agricultural crops are being studied. Subsequently, the seeds of a new reproduction obtained from these samples were transferred to the relevant departments of plant genetic resources for comprehensive study. Samples of introduced crops will serve as the main source for future breeding along with the enrichment of the gene pool.

Институтнинг асосий вазифаридан бири ўсимликлар Миллий генофондини қишлоқ хўжалиги экинларининг турли анъанавий ва ноъанавий ўсимликлар дунёси билан бойитиш ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида чет мамлакатларда асосий майдонларда етиштирилаётган бироқ Ўзбекистонда шу кунгача қишлоқ хўжалигида Давлат Реестрига киритилмаган экин турларини янги намуналари кўплаб топилади. Ушбу экин турларини интродукция қилиш юртимизнинг турли минтақаларининг тупроқ иқлим шароитига мослашатириш, агробиохилма-хилликни ўрганиш ва янги экин турларини кўпайтиш долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Ўсимликлар интродукцияси ўсимликларни ҳимоя қилишнинг муайян усули ҳисобланади. Бу усул давлат тасарруфига эга бўлиб, асосан икки қисмдан иборат. Биринчидан, бу тадбирлар хориж мамлакатлардан хавфли қишлоқ хўжалик зараркунандалари олиб кирилиши мумкин бўлган барча имкониятларга тўсик туғдириши бўлса, иккинчидан, бундай объектлар ўтиб қолгудек бўлса, уларни ўз вақтида чегаралаб, мамлакат ичида кенг тарқалишига йўл қўймаган ҳолда бартараф қилишдир. Ўзбекистонда бўлмаган зараркунанда, касалик чақирувчи микроорганизмлар ва бегона ўтлар ташқи карантин объектлари ҳисобланади. Интродукция қилинган ўсимлик ашёларини карантин кўригидан ўтказиш ва яширин карантин объектлари (касаллик ва зараркунандалар) ни аниқлаш ҳамда уларни Республика ҳудудига тўғридан - тўғри кириб келишини олдини олиш.

Ўсимлик генетик ресурслар илмий-тадқиқот институти ИКАРДА, СИММИТ, АЦИРО, ИКБА ва бошқа марказ ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлигида институт генофондини тирик ҳолда сақлаш, бойитиш, ўрганиш мақсадида анча йиллардан бери илмий ишлар олиб борилмоқда.

Чет мамлакатлардан келтирилган уруғли ашёларда хавфли касалликлар ва зарарли хашоратлар, бегона ўт уруғларининг кириб келиши хавфини олдини олиш мақсадида улар доимо Давлат карантин агентлиги томонидан карантин кўригидан ўтади. Шунингдек чет мамлакатларидан кириб келган қишлоқ хўжалик (дон, дуккақли ва бошқалар) экинларни Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти “Ўсимликлар интродукцияси” бўлимида ўрганилади ва бирламчи баҳоланади.

Илмий тадқиқот ишларига янги намуналарни жалб этиш шунингдек институт генофондини бойитиш масаласида Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти Франция давлатининг MAC SEEDS компанияси олимлари ўртасида илмий-ҳамкорлик қилиш бўйича музокаралар ўтказилиб тегишли илмий ҳамкорлик қилиш бўйича келишувга эришилди. Ушбу келишув асосида икки давлатнинг илмий муассасалари ўртасида илмий ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

Ушбу шартнома ўзини илк натижалари ўлароқ институтнинг ўсимликлар интродукцияси бўлимига Франция давлатидан қишлоқ хўжалиги экини (кунгабоқар ва маккажўхори) уруғлари интродукция қилинди.

Шунингдек узоқ йиллардан бери илмий ҳамкорлик қилиб келаётган ИКАРДА халқаро ташкилотидан дукақли экинлар уруғлар келтирилди.

2023 йилнинг ярим йиллик даври давомида олиб борилган илмий ва амалий ишлар давомида Интродукцион карантин кўчатзорига нохат (*Cicer arietinum*), ловия (*Vicia faba*), ясмик (*Lens culinaris*) (Ливан), кунгабоқар (*Helianthus*), маккажўхори (*Zea mays*) (Франция) ва бошқа нав ва намуналари (ҳарбир намуна уруғларидан 50 дона) келиб тушган.

Интродукция этилган ушбу экин турлари биринчи навбатда экспорт қилинган давлатдан фитосанитар кўригидан ўтказилди. Ушбу фитосанитар кўриги ҳужжатида асосан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги томонидан экспорт қилаётган давлатидан - жўнатувчи компания, тегишли мейёрий ҳужжатлари, уруғ етиштирилган худут ва кўчатзор жойлашуви ҳамкорлик шартномалари текширилиб Импорт карантин рухсатномалари (ИКР) олинди. Чет давлатдан келтирилган намуналар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси омборига келтирилди. Келтирилган намуналар Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳузуридаги Марказий фитосанитар лабораториясида текширилди. Тегишли экспертиза хулосалари олиниб Давлат божхона назоратидан ўтказилиб институтнинг Ўсимликлар интродукцияси бўлимига келтирилди. Олиб келинган намуналар тегишли мейёрий ҳужжатлар асосида назоратдан ўтказилиб барча намуналар рўйхатга олинди.

Олиб келинган қишлоқ хўжалигини экинлари уруғлари Ўсимликлар интродукцияси бўлими карантин кўчатзорига методика асосида экиш муддати, экин турининг вегетация даврига қараб экилди.

Хозирги кунда Қишлоқ хўжалик экинларининг чет мамлакатлардан интродукция қилинган намуналарини карантин кўригидан ўтказиш ва бирламчи баҳолаш ишлари олиб борилмоқда.

Интродукция қилинган қишлоқ хўжалиги экини намуналари (тегишли схемада) экилиб фитопологик ва энтомологик текширувлар “Интродукцион карантин кўчатхоналарида уруғлар ва экиш материалларини карантин текширувидан ўтказиш” бўйича услубий қўлланма асосида, тажрибаларни жойлаштириш бир қайтариқли ВИР услуби асосида экилиб қўйдаги бирламчи баҳолаш ишлари олиб борилмоқда: Касаллик ва зараркунандалар билан зарарланганлиги, майсаларни униб чиқиши, ўсимликнинг гуллаши, ўсимликнинг пишиш даври, делянкадаги ўсимликлар сони, бир туп ўсимлик шакли, ўсимлик баландлиги, 1000 дона дон вазни, энг паски шохларда жойлашган дукаклар баландлиги.

Ҳосилни йиғиш даврида дукаклар ранги, послоғи (силлиқлиги, дағаллиги), донинининг ранги ва бир ўсимликдаги доннинг оғирлиги ва бошқа ҳар бир турига тегишли фенологик кузатувлар олиб борилмоқда.

Хулоса: Республикамиз худудларига карантин ҳисобланган касаллик ва зараркунандаларни кириб келишини олдини олиш ҳамда интродукция қилинган намуналарни бирламчи баҳолаш мақсадида 2023 йил давомида интродукцион карантин кўчатзорига дон-дукакли ва мойли экинларини бирламчи манбаларилари экилиб ўганилмоқда.

Келгусида ушбу намуналардан олинган янги репродукция уруғлари тегишли ўсимликлар генетик ресурслари бўлимларига комплекс ўрганиш учун узатилди. Интродукция қилинган экин намуналари генофондни бойитиш билан бирга келажак селекцияси учун бирламчи манба бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Вредители и болезни овощных культур. Справочник В 81/А. П. Вянгеляускайте, Р. М.Жуклене, Л. П. Жуклис и др. Агропромиздат, 1989. 462с: ил.
2. Защита растений./С.М.Поспелов, Н.Г.Берим, Е.Д.Васильева, М.П.Персов: Под-ред. Н.Г.Берима, -М: Агропромиздат, 1986. 392с.ил.
3. Ўзбекистонда сабзавот, полиз, картошка экинларининг зараркунанда ва касалликларига қарши кураш бўйича қўлланма./ Р.А.Ҳақимов, Х.Асқаралиев. 2007. 87 бет.
4. Дуккакли дон экинларининг асосий зараркунандалари ва касалликларига қарши кураш. Тавсиянома./Н.М.Махмудходжаев, А.У.Саъдуллаев, Б.Адилов, П.К.Ортиқбоев, Ж.Х.Раҳмонов, М.Акмалов, Л.Мирмақсудова ва С.Якубовлар. 2012й. 38 бет.
5. Рекомендации по изучению зарубежных образцов сельскохозяйственных культур на интродукционно-карантинных питомниках./ВИР. Ленинград. 1966г. (Методические указание).
6. Биологические основы интегрированной защиты пасленовых культур от вредителей. Автореферат докторской диссертации. Ташкент. 2000г.
7. Вавилов Н.И. интродукция растений в советское время и его результаты. Происхождение и география культурных растений. Ленинград, б «Наука», 1987 г.стр.402.
8. Карантин растений (Методические материалы) выпуск 26. Москва. “Колос” 1978 г.
9. Карантинные и другие опасные болезни растений. Сборник научных трудов. Выпуск 5. Москва. 1981 г.
10. Рашидов М.И. и др. Экзотикам против ржавого клеща на пасленовых культурах. Защита и карантин растений. 2000 №3.
11. Интродукцион карантин кўчатхоналарида уруғлар ва экиш материалларини карантин текширувидан ўтказиш бўйича қўлланма. /Ф.Зоҳидов, Б.Мухаммадиев, Б.Османов.Тошкент-2012.
12. Ш,Т,Хўжаев.-Энтомология,қишлоқ хўжалик экинларини химоя қилиш ва агротоксикология асослари.Тошкент-2013.